



ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

КАФОЛАТИ БЕЛГИЛАРИ

Усмонов Восид Мухаммадиевич

Юристлар малакасини ошириш маркази

Хусусий-ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, PhD

usmonov.vosid@mail.ru 99.821-33-40

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда Конституция бўйича ислоҳотлар, янги Конституциянинг қабул қилиниш билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз боради. Янги Конституциянинг қабул қилиниши жараёнлари оммавий ахборот воситаларига берилган имкониятлар, янгиликларни ёритиш масалалари ўрин олган. Янги Конституциянинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши муҳим бир жараёндир. Янги Конституциянинг қабул қилинишида халқнинг фикр ва мулоҳазалари инобатга олингани ҳам биринчи бор акс этган ҳодисадир. Конституция давлатнинг асосий хужжатидир. Унда халқ дарди ва армонлари ётади. Мақолада шунингдек бир қатор хорижий давлатлар конституциялари ҳақида гап боради.

Калит сўзлар: жинс, ирқ, миллат, тил, дин, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқод, адолат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар, сиёсий ҳуқуқлар, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, инсон ҳуқуқлари.

ПРАВА ЧЕЛОВЕКА В НОВОЙ КОНСТИТУЦИИ УЗБЕКИСТАНА ГАРАНТИЙНЫЕ ЗНАКИ

Преподаватель кафедры частно-правовых наук
Центра повышения квалификации юристов при
Министерстве юстиции Республики Узбекистан,
кандидат юридических наук, (PhD) В.М.Усмонов
usmonov.vosid@mail.ru



Аннотация.

В статье пойдет речь о реформе Конституции в Узбекистане, вопросах, связанных с принятием новой Конституции. Процессы принятия новой Конституции - это возможности, предоставляемые средствам массовой информации, включены вопросы освещения событий в новостях. Освещение новой Конституции в средствах массовой информации является важным процессом. Это также явление, которое впервые отразило тот факт, что мнения людей были приняты во внимание при принятии новой Конституции. Конституция - это главный документ государства. В этом кроется народная боль и армяне. В статье также говорится о конституциях ряда зарубежных стран.

Ключевые слова: пол, раса, национальность, язык, религия, социальное происхождение, убеждения, Справедливость, социально-экономические права, политические права, личные права и свободы, права человека.

HUMAN RIGHTS IN THE NEW CONSTITUTION OF UZBEKISTAN GUARANTEE MARKS

Lecturer of the Department of Private Law Sciences

The Center for Advanced Training of Lawyers at

Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan,

Candidate of Legal Sciences, (PhD) V.M.Usmanov

usmonov.vosid@mail.ru

Annotation.

The article will discuss the reform of the Constitution in Uzbekistan, issues related to the adoption of a new Constitution. The processes of adopting a new Constitution are opportunities provided to the media, including issues of news coverage. Media coverage of the new Constitution is an important process. It is also a phenomenon that for the first time reflected the fact that people's opinions were taken into account when adopting a new Constitution. Constitution - this is the main document of the state. This is the people's pain and the Armenians. The article also talks about the constitutions of a number of foreign countries.



Keywords: gender, race, nationality, language, religion, social background, belief, Justice, socio-economic rights, political rights, personal rights and freedoms, human rights.

Дунёда конституциялар турли даврда қабул қилинган бўлиб, ўтган давр мобайнида ривожланишдан тўхтагани йўқ. Ҳамма давлат давлат ҳам ўзининг конституциясини мустаҳкамлашга, унда адолат биринчи мезонга айланишини белгилаб ўтишади. Конституциянинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалсада, унинг ривожланиш босқичлари барибир яқин йилларда бошланди.

Жаҳонда Конституциянинг аҳамияти ўрганишлар натижасида иккинчи жаҳон уришининг тугаши ва БМТ⁹нинг ташкил топиш даврига тўғри келса деб бемалол айта оламиз. Конституцияларнинг пайдо бўлиши ўша давлатларда инсон хуқуқини кафолатлашни олий ифодасини намоён қиласди. Шундай экан бемалол айта оламизки, Конституция бу давлатнинг асосий қонунидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган.

“Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил хукуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқейидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар”¹⁰. Ўзбекистон Республикасида инсон хукуқлари, унинг шаъни ва қадр-қимматига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқди. Президентимиз ўзларининг деярли ҳар маърузаларида инсон ҳаёти, унинг осойишталиги, соғлиғи, тинчлиги, баҳтли турмуши ҳақида куюнчаклик билан гапириб келмоқдалар. Бугунги кунда дунё миқёсида ҳам инсон хукуқлари бўйича юзлаб қонунлар қабул қилингандир. Ер юзида юздан ортиқ мамлакатлар БМТга аъзо ҳисобланади.

“Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда хукуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак”¹¹. 1948 йил 10 декабрда Инсон хукуқлари умумжаҳон деклацияси қабул қилинди. Кўриниб турибдики бундан 60 йил

⁹ **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)** – ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ҳалқаро ташкилот. 1945 йил 24 октябрда тузилган. БМТни барпо этиш ҳақидаги қарор АҚШ, Бирлашган Қироллик, Хитой ва Совет Иттифоқи ташки ишлар вазирларининг Москвадаги кенгashiда 1943 йилда, Устави эса Сан Франсиско конференциясида 1950 йилда қабул қилинди. БМТ Уставига дастлаб 51 давлат имзо чеккан, 2000 йилда эса улар сони 189 тага етган.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси конституцияси, 18-модда

¹¹ Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси, 1-модда



аввал ҳам инсон ҳаёти, унинг турмуш-тарзи глобал муаммо бўлган. Шу сабабли бугунги кунда ҳамма давлатда инсон ҳаётига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Конституциясида инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама мукаммал, профессионал тарзда келтирилиб ўтилган. Ижтимоий-иктисодий ҳуқуқлари, сиёсий ҳуқуқлари, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари бирма-бир санаб аниқ санаб ўтилган.

Президентимиз томонидан 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон маефаатлари йили” деб эълон қилинди. Ушбу йилдан улкан ишлар амалга оширилди. Юртимизнинг ҳар бир бурчагида, ҳар бир корхона ва ташкилотларда Халқ қабулхоналари очилди. Халқ билан мулоқот очик ва ошкора шаклда йўлга қўйилди. Ҳеч кимнинг мурожаати эътиборсиз қолдирилмади. Шу билан бирга, **Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”¹² ги (янги таҳрири) қонуни** (2017 йил 11 сентябрь, ЎРҚ-445-сон) қабул қилинди. Фуқаролар билан ишлашда янги тизим яратилди. Халқ мурожаати қонун билан тартибга солинадиган бўлди.

Шунингдек, президентимиз томонидан 2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили”, 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”, 2020 йил “Илм маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинди. Ўтган тўрт йилда мамлакатимиз бир қатор ютуқларга эришди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹³ ги Қарори (2019 йил 6 январь, ПҚ-4096-сон) қабул қилинди. Ушбу қарор билан судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимининг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгиланди:

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

судьялик лавозимларига номзодларда назарий билимлар, касбий этика, психология, ишchanлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмалари, музокаралар

¹² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 977-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон; 11.03.2020 й., 03/20/608/0278-сон

¹³ (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.01.2019 й., 07/19/4096/2427-сон)



олиб бориш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, ҳукуқ нормалариға шарҳ бериш ва қўллашни ривожлантириш;

судьялик лавозимларига номзодлар стажировка ўташининг сифат жиҳатдан янги тизимини ташкил этиш, шу жумладан илмий-тадқиқот фаолияти ва ўқув жараёни билан узвий боғлиқлигини таъминлаш;

иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига жорий этиш;

судьялик лавозимларига номзодларни қонунчиликдаги долзарб янгиликлар, мамлакатимиз ва хориждаги ҳукуқни қўллаш амалиёти ҳамда норма ижодкорлиги фаолияти ҳолати ва тенденциялари билан таништириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”¹⁴ги Қарори (2019 йил 20 февраль, ПҚ-4199-сон) қабул қилинди. Қарорга кўра Президент мактабларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

иктидорли болаларни аниқлаш, танлаш ва ўқитиш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек ўқувчиларнинг интеллектуал, илмий ва ижодий салоҳиятини очиб бериш;

табиий ва аниқ фанларни чуқур ўрганиш, хорижий тиллар, муҳандислик ва ахборот технологияларини ўзлаштиришни ташкил қилиш, ўқувчиларнинг инновацион ғоялари ва ишланмаларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

ўқувчиларни ўқитиш ва улар билимини баҳолашнинг замонавий услубларини, шунингдек таълим дастурларининг интеграциялашувига асосланган ўқитишнинг фанлараро ёндашувини жорий қилиш ва кейинчалик ижобий тажрибани республика халқ таълими тизимиға татбиқ этиш;

ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш, уларда етакчилик кўникмалари ва нотикълик санъатини ривожлантириш, танқидий фикрлаш, ахборотни излаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш, олинган билимларни амалиётда қўллаш малакасини ошириш;

¹⁴ (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.02.2019 й., 07/19/4199/2642-сон)



ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича халқаро олимпиадалар, танловлар ва мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлаш;

ўқувчиларда ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат туйғусини, бағрикенглик, қонунлар, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат билан муносабатни, ҳаётга қатъий ишонч ва қарашларни шакллантириш;

ўқув дастурларининг узлуксизлигини таъминлаш масалаларида худди шу йўналишдаги миллий ва хорижий умумий ўрта ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, битиравчиларнинг илғор хорижий олий ўқув юртларида ва уларнинг республикамиздаги филиалларида ўқишини давом эттириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола хуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”¹⁵ги Қарори (2019 йил 22 апрель, ПҚ-4296-сон) қабул қилинган бўлиб, қарор билан қуидагилар белгилаб қўйилди:

ота-она қарамоғисиз қолган болаларга муниципал ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидаги ўзлари яшаб турган турар жойларни улар «Мехрибонлик» уйларига жойлаштирилган, васийлик ёки ҳомийлик органининг розилигига кўра васийликка ёки ҳомийликка олувчи билан бирга яшаётган бутун вақт мобайнида, ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бронлаштириш хуқуқи берилади;

болаларнинг рўйхатда туриш жойи ва фуқаролигидан қатъи назар, уларга барча ижтимоий хизматлар кўрсатилади;

болаларнинг давлат органларига бевосита қилган мурожаатларини тўлиқ кўриб чиқиши кафолатланади ва бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги важлари билан бу турдаги мурожаатларни кўрмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди;

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмагандага ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмагандага ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга мурожаат қилмаган ҳолларда 14 ёшга тўлган бола ўзининг таъминоти учун ота ёки онадан ёхуд ота-онаси билан бирга яшамаётган бўлса, бир вақтнинг ўзида ота-онанинг ҳар иккаласидан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли;

болаларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан мурожаат қилган даъвогар давлат божи ва бошқа тўловларни тўлашдан озод қилинади.

¹⁵ (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.04.2019 й., 07/19/4296/3001-сон)



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”¹⁶ги Фармони (2019 йил 29 апрель, ПФ-5712-сон) қабул қилинди. Мазкур Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди ва унда қуйидагилар назарда тутилди:

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб PISA (The Programme for International Student Assessment) Халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинги бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакати қаторига киришига эришиш;

узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

ўқитиши методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш;

халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш;

халқ таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш;

ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш;

давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ҳисобига давлат таълим тизимида рақобат муҳитини кенгайтириш;

ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш;

халқ таълими тизимида фаолият кўрсатишнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштириш

¹⁶ (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2019 й., 06/19/5712/3034-сон)



чора-тадбирлари тўғрисида”¹⁷ги Қарори (2019 йил 30 август, ПҚ-4433-сон) қабул қилиниб, унга кўра, иқтидорли ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада жонлантириш, мамлакат илм-фанининг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлилигини таъминлаш, мавжуд илмий мактаблар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Професионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”¹⁸ги Фармони (2019 йил 6 сентябрь, ПФ-5812-сон) қабул қилинди. Қарор билан професионал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус професионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош қадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш мақсадида, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагиchi даражалари билан уйғунлашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус професионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари тармоғи ташкил этиш белгиланди.

Хуроса Таъкидлаш лозимки, кўрсатилган вазифаларнинг ҳал этилиши ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш шароитида бирламчи даражадаги аҳамиятга эга бўлиб, Конституциямизнинг ҳамда “ўзбек модели”нинг энг муҳим принципларидан бири бўлмиш қонун устуворлиги принципини, қонунчиликка сўзсиз риоя қилишни таъминлашга, демократик тартибга эришишга ва сақлашга, демократик институтлар ва қадриятлар ҳаётга татбиқ этилишига, инсон ҳукуқ ва эркинликлари, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси ҳамда сиёсий ва иқтисодий ривожланиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришни амалда таъминланишига хизмат қиласи, давлат бошқаруви, иқтисодий тараққиёт соҳасидаги аниқ вазифаларни ҳал этишда, ҳуқуқий демократик давлат қуришни изчил амалга оширишда қандай қонунлар қабул қилишимиз кераклигини аниқ белгилаш имконини беради, парламент назорати жамоатчилик назорати тизимини такомиллаштиришга, демократия ва ижтимоий адолат принципларини татбиқ этишга, қонунийлик ва қонун устуворлигини давлат ва жамият қурилишининг пойdevoriga, суд ва ҳуқуқни

¹⁷ (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.08.2019 й., 07/19/4433/3673-сон)

¹⁸ (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2019 й., 06/19/5812/3699-сон; 22.07.2020 й., 06/20/6031/1088-сон)



муҳофаза қилувчи, назорат органлари фаолиятининг асоси ва моҳиятига айлантиришга хизмат қиласи.

Конституцияга таклиф этилаётган ўзгаришлар рўйхати эълон қилинди. Унга кўра Конституциядаги 128 та модданинг роппа-роса ярми – 64 тасини ўзгартириш ва 6 та янги модда қўшиш таклиф этиляпти¹⁹. Жумладан:

1-моддадаги “Ўзбекистон–суверен демократик республика” жумласини қўйидагича ўзгартириши таклиф этилмоқда:

Ўзбекистон – суверен республика, ҳукукий, ижтимоий, дунёвий, демократик давлат.

1-модда ўзгаргач, уни бошқа ҳеч қачон ўзгартирмаслик белгиланмоқда. Бунинг учун **127-моддага** (бу моддада Конституцияни ўзгартириш принциплари ёзилган) қўйидагича иккинчи қисм қўшилади:

Ушбу Конституция 1-моддасининг ва ушбу моддаси иккинчи қисмининг қоидалари қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас.

13-модда кенгайтирилиб, унга хусусан қўйидаги қоидалар қўшилиши кутиляпти:

Инсонга нисбатан ҳукукий таъсир чораси давлат органи томонидан қўзланадиган қонуний мақсадга эришиш учун етарли бўлиши ҳамда манфаатдор шахсларга имкон қадар қийинчилик туғдирмаслиги керак.

Инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида қонунчиликда юзага келадиган, бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилинади.

22-моддага қўйидагича янги қоидалар киритилмоқда:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистондан ташқарига чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга берилиши мумкин эмас.

Давлат хорижда яшаётган фуқаролар ва ватандошлар билан алоқаларнинг сақланиб қолиши ҳамда ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қиласи.

25-моддага жиноят қонунчилигига оид нормалар қўшилаяпти:

¹⁹ <https://kun.uz/news/2022/06/25/constitution>



Ушлаб туришга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга ёки озодликни бошқача тарзда чеклашга факат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади. Шахс суд қарор қабул қилмагунича 48 соатдан кўп муддат ушлаб турилиши мумкин эмас. Агар ушлаб туриш ёки озодликни бошқача тарзда чеклаш тўғрисидаги қарор белгиланган муддатда суд томонидан қабул қилинмаса, шахс дарҳол озод қилиниши керак.

Шахсни ушлаб туриш чоғида унинг ҳуқуқлари ва ушлаб туриш асослари унга тушунарли тилда тушунтирилиши керак.

Ҳеч ким шартномавий мажбуриятларни бажара олмаганлигига асосланиб жиной жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий, илмий ва бошқа тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин ривожлантириш, қонун билан тақиқланмаган ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузмайдиган ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланмаган мажбурият ҳеч кимнинг зиммасига унинг розилигисиз юклатилиши мумкин эмас.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 1992 йил 8 декабрь;
2. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 56 б.;
3. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган



мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь /Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 104 б.;

4. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.;

5. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.;

6. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз /Ш. М. Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 592 б.;

7. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Конуни. 2022 йил 8 август. <https://lex.uz/uz/docs/6145972>;